СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 54 (5. 945) • 1986 йил 5 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди 1986 йил 4 март куни ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида»ги докладни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Н. С. Ермаков, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги номли Минск автомобиль заводининг темирчи-қолипловчиси Е. А. Шуляк, Херсон область Белозерск районидаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Томск область «Химстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи П. Г. Пронягин, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Прокопьев ўртоқлар сўзладилар.

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссияси ва секретариатининг аъзоси Володя Тейтельбойм, Сурия Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Абдалла ал Ахмар ўртоқлар съездни табрикладилар.

Сўнгра музокараларда КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институтининг директори Б. Е. Патон, Латвия ССР Бауска район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори Н. Д. Дзенис ўртоқлар сўзладилар.

Сўнгра Қампучия Халқ революцион партияси Марказий Қомитетининг Бош секретари, Қампучия Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин, Аргентина Коммунистик партиясининг Бош секретари Атос Фава, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг Раиси Мицухиро Канэко ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

3 март куни бўлиб ўтган кечки мажлисда биринчи бўлиб Украина ССР Министрлар Советининг Раиси **А. П. Ляшко** сўзга чиқди. У илм-фан, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаш ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига республикада асосий фондларни янгилаш суръатларини 2—3 баравар ошириш вазифаси қўйилаётганлигини маълум қилди.

Асосий фондларни янгилашни жадаллаштириш учун машинасозлик заводларида асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш зарур. Бунга энг аввало станоклар парки ишининг смена коэффициентини ошириш ҳисобига эришиш керак бўлади. Бу вазифа Асосий йўналишларда тўла қонуний равишда қўйилган. Машинасозлик қувватларини тўла иш билан таъминлаш учун тармоқлараро кооперацияни яхшилаш ғоят муҳимдир. Шу омил ҳисобига асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари жуда каттадир.

Ресурсларни тежаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва иккиламчи хом ашёни хўжалик оборотига жалб этиш ҳисобига қўшимча моддий ресурслар олиш ишини ҳам анча кучайтириш лозим. Республикада, деди нотиқ, бу борада муайян тажриба орттирилган бўлиб, унн КПСС Марказий Комитети маъқуллади. Аммо бу борада биз йўл бошида турибмиз.

Центросоюз правлениесининг раиси **М. П. Трунов** Озиқ-овқат программасини ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини амалга оширишда кооператорларнинг ҳиссасини орттириш билан боғлиқ проблемаларга тўхталди.

Нотиқ кооператорларнинг ишини танқидий таҳлил қилар экан, бу ишлар замонавий талабларга ҳали жавоб бермаётганлигини айтди.

Центросоюз шу йилиёқ СССР давлат агросаноат комитети, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан биргаликда республикаларо ва областларо мол айрибошлашни кескин жонлантиришни, ресурсларни кенг қўламда ҳаракат қилдиришни, шаҳар кооперация савдосига маҳсулот келишини кўпайтиришни, колхоз бозорига кучли иқтисодий таъсир кўрсатишни ўз вазифаси деб билади.

Қишлоқни социал қайта қуришда кооперация ташкилотлари иштирокини кучайтириш вазифаси ҳам муҳим.

М. П. Трунов матлубот кооперацияси тўғрисида қонун ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритди.

Шу юксак минбардан туриб сўзлашга зўр ҳаяжон билан тайёргарлик кўрдим, деди Тула областидаги Киров номли колхоз-наслчилик заводи сут соғувчиси **В. В. Королева**. Колхозчиларимиз мени съездга кузатаётиб, бизни нималар ташвишлантираётганлиги тўғрисида гапириб беришимни сўрадилар. Лекин бу илтимосни бажариш осон бўлмаяпти: қишлоқ меҳнаткашларининг кўпгина ўй-фикрлари КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида айтилди.

Бизларнинг ҳар биримиз ҳозир келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида бурч ва масъулият туйғулари билан ўйлаб турибмиз. Ахир қўйилган вазифалар одатдагидан бошқача — кечиктириб бўлмайдиган, шунингдек узоқ келажакка мўлжалланган вазифалардир. Съездда камчиликлар ва нуқсонлар тўғридан-тўғри очиқ танқид қилинаётганлиги Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси жамиятдаги вазиятни соғломлаштириш, кадрларнинг масъулиятини ошириш борасида тўғри ва қатъий йўл тутаётганлигининг натижаси эканлигини кўраяпмиз. Марказий Комитетнинг турмушнинг ҳамма соҳаларида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли меҳнаткашларнинг мутлақ кўпчилиги кўнглидаги йўлдир, деб бемалол айтиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумининг қарорлари қишлоқда келтириб чиқарган яхши ўзгаришлар, мен, қишлоқ кишисига айниқса сезинларли, деб давом қилди делегат. Беш йилликка белгиланган планлар бажарилишига аминмиз. Бироқ, биз қийинчиликларни ҳам яққол кўриб турибмиз. Мисол учун фарзандларимиз шаҳарга кетишга қизиқмай, ёнимизда ишлашларини ҳаммамиз ҳам хоҳлардик. Лекин, бу борада биргина истакнинг ўзи етарли эмас. Ҳатто, меҳнат ва маиший турмуш шароитлари чакки бўлмаган бизнинг хўжалик ҳам ҳозирча шаҳар билан рақобатлашишга қодир эмас.

Бугунги кунда фан-техника тараққиёти тўғрисида, янги технологиялар ҳақида баралла гаплар бўлаяпти. Бу гаплар ёшларни ром қилади. Ҳозирча ферма ва далаларда техникавий тараққиёт учун унча ошиқмаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида улкан режалар, тарихий истиқболлар белгилаб берилди, деди пировардида В. В. Королева. Биз делегатлар съезддан умидбахш ишларга зўр куч-ғайрат олиб, партия белгилаб берган барча вазифаларни бажариш истаги билан жўнаб кетамиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981—1990 йилларда Красноярск ўлкаси ишлаб чиқариш кучларини комплекс ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарорида бу ўлка экономикасини ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди, деди КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари **П. С. Федирко**. Бизда бу жуда муҳим қарорни бажариш ишларининг муваффақиятсиз чиқаётганлари ҳам бор, бир қанча ғоят муҳим йўналишларини амалга оширишда эса жиддий камчиликларга йўл қўйилди.

Программани амалга ошириш турли министрликлар ва идораларнинг манфаатларига тааллуқли бўлганлигидан нотиқ умумдавлат манфаатларини ҳисобга олиб, идораларо самарали ва оқилона бошқариш масалаларига эътибор берди. Сибирга кадрларни кенг кўламда жалб этиш ва мустаҳкамлаш, уни инсон яшаши учун қулай жойга айлантириш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

Партия ва ҳукуматнинг тинимсиз ғамхўрлиги туфайли энергетика тўхтовсиз ривожланиб, унинг техник даражаси муттасил ўсиб бормоқда, деди СССР энергетика ва электрлаштириш министри **А. И. Майорец**.

Ўн иккинчи беш йилликда Экибастуз ва Канск-Ачинск ёқилғи энергетика комплекслари составига кирувчи катта электр станциялар қурилиши давом эттирилади. Ғарбий Сибирда табиий ва йўл-йўлакай олинадиган газ негизида янги станциялар барпо этилади. Биз бунда энг арзон электр энергия олишимизни ҳисобкитоблар кўрсатмоқда. Сибирь, Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё ва Закавказье районларида кучли гидроэлектростанциялар барпо этиш, мамлакатнинг туташ энергетика системасини янада ривожлантириш борасида катта ишлар ҳажмини бажариш лозим бўлади. Қишлоқ хўжалигини электр билан таъминлаш пухталиги оширилади.

Нотиқ энергетика ресурсларига тежаб-тергаб муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир иш жойида, ҳар бир уйда барча турдаги энергия истеъмолини камайтиришга доир иқтисодий омилларни кучайтириш зарур.

Қишлоқда яшовчи мени ҳаяжонга солаётган барча юмушлар орасида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш биринчи ўринда турибди, деди Белгород областидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Фрунзе номли колхоз раиси **В. Я. Горин**. Биз маҳсулот ва аввало гўшт етиштиришни бундан буён ҳам кўпайтиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз.

Ем-хашак етиштиришни ривожлантириш — барча муаммолар тугунидир. Областнинг чўчқачилик хўжаликларида янгича боқиш технологияси жорий этилган. Ширали озуқадан энг кўп даражада фойдаланиш ана шу технологиянинг асосидир. Бу технология концентратлар сарфини 30 процент камайтириш имконини берди. Хўжалигимизнинг ўзидагина шу ҳисобдан уч йил ичида 20 минг тонна, областда эса 240 минг тонна дон тежалди.

Нотиқ давлат агросаноат комитети ва унинг жойларда органлари ташкил этилганлигини астойдил маъқуллаб, структуранинг ўзи ҳали ҳамма нарсани ҳал этмаслигини уқтириб ўтди. Афсуски, ҳар қандай масалада кўрсатма бераверишш, зарур бўлса-бўлмаса васийлик қилиш каби ўн йиллар мобайнида таркиб топган нотўғри услубга жуда секинлик билан барҳам берилмоқда. Яхши, тўғри қарорлардан амалда, ҳаётда ўзгаришларга ўтишни бутун чоралар билан жадаллаштириш муҳим.

Нотиқ қишлоқ мутахассис кадрларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш маданияти, қишлоқда социал қайта қуриш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтди.

Съезд қатнашчиларини Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Харилаос Флоракис**, Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг Бош секретари **Альфред Нзо** табрикладилар.

Съезд 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасига тузатишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда шу масала юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш учун комиссия тузди.

Шу билан кечки мажлис тугади.

4 март куни эрталаб соат 10 да Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезддаги докладлар ва нутқлар партия билан халқнинг мамлакатимизни социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ядро хавфининг олдини олиш соҳасидаги улуғвор бунёдкорлик фаолиятини акс эттиради.

Делегатлар жамиятнинг коммунистик қурилиш масъулиятли босқичидаги олға томон қиладиган ҳаракати стратегиясини белгилаб, партия, давлат ва жамоат турмушининг энг муҳим масалаларини, халқ хўжалиги барча тармоқларини сифат жиҳатдан ўзгартиришнинг, совет кишилари фаровонлигини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашнинг бош йўналишларини ишчанлик билан, амалий тарзда, талабчанлик руҳида муҳокама қилмоқдалар.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларни эрталабки мажлисда Кемерово область партия комитетининг биринчи секретари **Н. С. Ермаков** бошлаб берди.

Область меҳнатчилари, деди у, халқ хўжалигини ёқилғи, металл, химия маҳсулоти билан таъминлаш учун партия ва халқ олдидаги юксак масъулиятни яхши англаб турибдилар. Бироқ бир қанча сабабларга кўра, Сибирь ўлкасининг бой имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Бинобарин, ҳавзада кўмир қазиб чиқариш кейинги йилларда кўнгилдагидек эмаслиги учун Тюмендаги кенгашда биз мутлақо ҳақли равишда танқид қилиндик, деди нотиқ.

Нотиқ кўмир қазиб олувчи корхоналарни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш, социал-маданий соҳасидаги проблемалар юзасидан область, партия, совет, хўжалик органлари амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида гапириб берди.

Кузбасс вужудга келган қийинчиликларни қўшимча ишчи кучисиз бартараф эта олмайди. Нотиқ ВЛКСМ Марказий Комитети область қурилишлари устидан чинакам оталиқ қилсин, жамоат чақириғи тарзида ёшларни кўпроқ юборсин, деган истакни айтди.

Моддий чиқимларни талаб қилмайдиган проблемалар ҳам бор. Масалан, ҳозир кончиларнинг мавжуд иш режими — дам олмай, якшанба кунлари ҳам узлуксиз ишлаш режими кончиларнинг коллективларига мутлақо манзур эмас, бу режим ишлаб чиқариш ҳаётигагина эмас, оилаларнинг дам олишини ташкил этишга ҳам ёмон таъсир қилмоқда, шахтёрларнинг, айниқса ёшларнинг меҳнатини жозибасиз қилиб қўймоқда.

Сўнгра нотиқ иш самарадорлигини оширишнинг областда белгиланган кенг программаси ҳақида гапирди.

Менинг ўртоқларим, деди Минскдаги Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги номли автомобиль заводининг темирчи-қолипловчиси **Е. А. Шуляк**, белорус автомобилсозлари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини фикран ва қалбан қўллаб-қувватлаётганликларини айтишни илтимос қилдилар. Белоруссия аҳолисининг тўртдан бир қисми иккинчи жаҳон уруши алангасида нобуд бўлганлиги учун ҳам республика меҳнатчилари М. С. Горбачевнинг Баёнотида ва Марказий Комитетнинг съездга Сиёсий докладида баён этилган тинчлик Программасини айниқса қадрлайдилар. Тинчлик учун кураш биз учун аввало, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги кундалик, сергайрат меҳнатдир.

Мен бошчилик қилаётган 42 кишилик бригаданинг ҳар бир аъзоси буни яхши тушунади. Коллективимизнинг чорак қисми коммунистлардир. Улар ишда пешқадамлик қилмоқдалар, фойдали ташаббусларни кўтариб чиқмоқдалар.

Заводимиз коллективи кўп юк ортиладиган автомобиль техникаси ишлаб чиқаришни тезроқ кўпайтиришни ўз бурчи деб билади. Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги юзасидан ўтган беш йилликка белгиланган топшириқ барвақт бажарилди. Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари оширилган ва шаҳарлараро юк ташишга мўлжалланган модернизациялаштирилган автопоездлар ишлаб чиқарила бошлади. Бироқ, эришилган натижа бизни қаноатлантирмайди. Ҳозир биз анча яхши ишлашимиз керак. Съезд ҳужжатларида ўртага қўйилган талабларни мен шундай тушунаман.

(Давоми 2-бетда).

Партия билан халқнинг якдиллиги

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

КПСС XXVII съезди материалларини ўқир эканман, жамиятимиз ҳаётида тўб юксалиш ва ривожланиш марралари белгилаб берилганлигининг гувоҳи бўлмоқдаман. Корхонамиз ишчи ва хизматчилари менга катта ишонч билдириб, республика олий Советига депутат этиб сайлашган. Бу борадаги юмушларимиз жуда кўп. Шу боисдан ҳам Сиёсий докладдаги қуйидаги сатрларни ўқиганимда жуда тўлқинланиб кетдим. Унда шундай деб ёзилган: **«Маҳаллий ҳокимият органлари сайловчилардан ваколат олар эканлар, ўз территорияларида ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари учун масъулиятни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Агар кимдир: бу мен ҳал қиладиган масала эмас, дейдиган бўлса, Советлар учун масалани бу тахлитда қўйиш мақбул эмас. Уй-жой ва маориф, соғлиқни сақлаш ва оммавий талаб қилинадиган моллар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси, жамоат транспорти ва табиатни муҳофаза қилиш айни улар ғамхўрлик қиладиган соҳалардир. Ана шу масалалар хусусида биз меҳнаткашлардан ҳали кўплаб таъналар эшитаётган эканмиз, демак, Советларда ишчанлик ва ташаббускорлик етишмаяпти».**

Жуда тўғри мулоҳаза. У ёки бу масалани ҳал қилиш учун юқори ташкилотлардан рухсат олиш ёки уларнинг ижозатини сўраш ишни мураккаблаштиради, меҳнаткашлардан тушаётган шикоят ва аризаларнинг вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишига ўзига хос тўсқинлик яратади. Бундан буён депутатлар халқнинг ҳақиқий вакиллари сифатида турмушда учраётган ҳамма масалаларни ҳал қилишга бевосита дахлдор эканликлари уларнинг обрў-эътиборини оширади, ишлаб чиқаришни интенсивлашда Советларнинг ролини мустаҳкамлайди.

Съездда қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида рўй-рост гапириш масаласи ўртага ташланди. Бу демократияни кучайтиради. Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, социалистик жамиятни тараққий эттиришнинг янгиянги резервларини ишга солишга ёрдам беради.

Т. ТОЛСТИКОВА,
«Таштекстильмаш» заводи қуюв цехнинг ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Фаолиятимиз такомиллашади

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Сиёсий докладида биз олимлар учун илҳомбахш бўлган қуйидаги сўзлар бор: **«Реконструкциялаш зарурати фан олдига янги вазифалар қўймоқда. КПСС фаннинг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади, олимларнинг самарали фаолияти учун шарт-ароит яратаверади. Аммо мамлакат олимларидан техника ва технологияни ривожлантиришда чинакам революцион ўзгаришларни таъминлайдиган кашфиётлар ва ихтиролар кутишга ҳақлидир».**

Институт олимлари бу Сиёсий докладдан илҳомланиб ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар. Олимларимиз ғўзанинг янги-янги навларини яратиш борасида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Селекционерларимиз яратган «Ф — 48 — 80» ва «Ф — 65 — 24» ғўза навлари бу йил Тошкент ва Наманган областларида кенг кўламда экилади. Улар тезпишарлиги, толасининг кўплиги, машина теримига мослашганлиги, вильтга чидамлилиги билан ажралиб туради. Биз бу ютуқларимиз билан мутлақо кифояланиб қолмаслигимиз лозим. Янада самарали ва ҳосилдор навларни яратиш усида дадил илмий ишлар олиб боришимиз тақозо этилмоқда. Ҳозирга қадар битта янги навни яратиш учун 10—12 йил муддат талаб қилинар эди. Буни кескин қисқартириш мақсадида институтимиз қошида замонавий фитатрон қуришга киришганмиз. 3 миллион сўм маблағга бунёд этилаётган бу илмий марказ ишга тушиши билан барча тадқиқот ишларимиз янада такомиллашади ва тезлашади.

С. МИРАҲМЕДОВ,
Г. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ академиги, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

Алло, редакциями?

32-55-37

«Бу—бизнинг сиёсатимиз»—

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий доклади тўғрисида «Тошкент оқшоми» редакциясига қўнғироқ қилаётган ҳамшаҳарларимиз шундай демоқдалар.

Шу кунларда барча совет кишиларининг бутун дунёнинг нигоҳи Москвага, Кремлга, КПСС XXVII съездининг ишига қаратилган. Коммунистик партиянинг режалари ҳақида тошкентликлар ҳам ўз қалб сўзларини билдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам редакция телефонига қўнғироқ қилиб ўз истак ва муваффақиятларини билдираётганлар сони кўп. Қуйида ҳамшаҳарларимизнинг телефон орқали билдирган дил сўзларини ҳавола этмоқдамиз.

Назоратни кучайтириш керак

Эргаш АЗАМАТОВ,
2-автобус парки бригадирлар советининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати.

— Бугун дам олиш куним бўлгани учун телефонда гаплашиб, съезд таассуротларини ўртоқлашмоқчи бўлдим.

Мухбир: Жуда яхши-да, Эргаш ака. Ишхонада нима гаплар?

— Ҳаммаси жойида. Ҳар куни телевизорда берилаётган съездга оид кўрсатувларни кузатиб боряпмиз. Михаил Сергеевич Горбачев қилган Сиёсий доклад билан яқиндан танишиб чиқдим. Айниқса, **«Меҳнатсиз топилган даромадларга қарши кураш — социалистик давлатнинг муҳим функциясидир. Биз бугун шу нарсани эътироф этишимиз керакки, контролнинг сусайиб кетиши ва бошқа бир қанча сабаблар оқибатида хусусий мулкчиликка интилишлари аниқ кўринган турган, жамоат манфаатларини менсимайдиган кишилар группаси пайдо бўла бошлади»**, деган сўзлар мени ўйлантириб қўйди. Сабаби ҳар бир ишда тартиб, интизом бўлмас экан ўз манфаатини кўзлаб иш тутадиганлар сони кўпайиши мумкин...

Мухбир: Сиз бу билан нимани назарда тутяпсиз?

— Шаҳримиз транспорти йўловчилар талабини қондирмаётганлиги аҳолини ранжитмоқда. Фақат назоратни кучайтириш билан транспортнинг графикка тўла амал қилишини таъминлаш мумкин. Ана шунда кассани эмас, киссани ўйлайдиган, ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўядиган баъзи кимсаларнинг нопок ишларига чек қўйса бўлади.

Айни муддао

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, пенсионер.

— Газетада «Алло, редакциями?» рубрикаси ташкил этилгани жуда яхши бўлибди. Ҳар бир ҳамшаҳримиз ўз дилидаги гапни қалам, қоғозга тушириб, почта орқали юборгунича анча вақт ўтади. Съездда халқнинг дилидаги гаплар бўляпти. **«Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, дабдабабозликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги илгаригига нисбатан ҳозир жиддийроқ сезилмоқда»**, дейиладиган Сиёсий докладда. — Биласизми, бизда ўз-ўзини танқидни ҳали ҳам яхши тушуниб етмаётганлар, танқиддан тўғри хулоса чиқариб олмаётганлар топилади.

Мухбир: Сиз бунда кимларни назарда тутяпсиз?

— Мана, ҳар йили ўтказиладиган ободонлаштириш ойлигини олайлик. Қанчаданқанча кўчат ўтказилади. Лекин шу кўчатларнинг деярли ярми кўкармайди. Буни биз яшаб турган Киров районидаги масъул ходимлар ҳам яхши билишади. Лекин натижаси кўринмаётир.

Аҳиллик самараси

А. САИДОВ,
Акмал Икромов районидаги «Оқтепа» маҳалла комитетининг раиси.

— Бу редакциями?

Мухбир: Ҳа, «Тошкент оқшоми» редакцияси.

— Мен ўртоқ М. С. Горбачевнинг Сиёсий доклади ҳақида ўз фикримни билдириб, маҳалламиз ҳақида бир, икки оғиз гапирмоқчидим.

Мухбир: Марҳамат.

— Ҳозир маҳалламизда 300 дан ортиқ хонадон бўлиб, унда салкам тўрт минг киши — ишчилар, бинокорлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа ўнлаб касб эгалари истиқомат қилишади. Улар орасида республикамизга машҳур бўлган ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, партия ва меҳнат ветеранлари, «Қаҳрамон она»лар бор. Биз бир оила фарзандларидек иноқмиз. Сиёсий доклад жуда мазмунли бўлиб, унда инсон омилига алоҳида эътибор берилган. Ахир ҳар бир инсон қандай янгилик қилса бизнинг келажагимиз, Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун қилади. Буни кичкинагина маҳалламиз тимсолида рўй бераётган ўзгаришлардан ҳам кўриш мумкин.

32-55-37 телефонида навбатчилик қилувчи
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: «Ташметрострой» трестининг Ленин ордени кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Леонид Токарчук бошлиқ лаҳмчилар бригадаси аъзолари тушки танаффус пайтида партия анжуманн материаллари билан танишмоқда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунни бажариш соҳасида партия ташкилотимизнинг иши чуқур таҳлил этилган қарорида ҳам шу талаблар бизга аниқ кўрсатиб берилди. Ҳозир завод ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларига бу қонун самарали таъсир қилмоқда.

Бизнинг автомобилларимиз чет элларнинг автомобилларидан яхшироқ бўлишига эришиш — коллективнинг муҳим вазифасидир. Бу — шунчаки яхши ният эмас, бемалол амалга оширса бўладиган ва пухта негизга таянган вазифадир. Бизнинг жипслашган коллективимизда малакали кадрлар бор. Заводда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида уни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш иши кенг қулоч ёзди.

Нотиқ Минск автомобилсозларининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар корхоналари билан самарали ҳамкорлиги ҳақида гапириб берди. ЧССРда ишлаб чиқарилаётган дизель моторлар етказиб бериш йил сайин кўпаймоқда. МАЗ учун айрим узеллар ГДР, Польша, Югославиядан олинмоқда. Белорус автомобилларини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига юбориш ҳам кўпайиб бормоқда. Бундай ўзаро манфаатли кооперацияни ривожлантириш учун ихтиёримиздаги резервлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланаётганимиз йўқ, деб ўйлайман, деди нотиқ. Бу кооперация тинчлик ишига, қардошларча дўстлик ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга, социализмга хизмат қилмоқда.

Белгиланаётган режаларнинг миқёси мислсиздир, деб таъкидлади Херсон область Белозерский районидаги Киров номли колхоз раиси **Д. К. Моторний.** Бу режаларни амалга ошириш ҳаммамиздан, Ленин ибораси билан айтганда, куч-ғайратларни ўн ҳисса оширишни талаб қилади. Агросаноат комплексининг ходимлари учун бу гап, аввало, резервларни ҳаракатга келтиришни ва энг муҳими— шу пайтгача барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишни билдиради.

Бизнинг сабзавот-сутчилик хўжалигимиз коллективи обҳаво шароитлари қандай бўлмасин, йил сайин олға томон қадам қўйиб келмоқда. Ўн биринчи беш йиллик планлари бажарилди. Донли экинлар ҳосилдорлиги беш йил мобайнида ўрта ҳисобда 45 процент ошди. Ўртача йиллик соф даромад 4,7 миллион сўмни, шу жумладан чорвачиликдан олинган даромад 2 миллион сўмни ташкил қилди. 52 та бўлинманинг ҳаммасида тўла хўжалик ҳисоби жорий этилганлиги колхознинг шу даражага чиқиб олишига имкон берди, биз 20 йилдан ортиқ вақтдан бери шу усулда ишлаб келаяпмиз. Хўжалик ҳисоби гуфайли колхоз тўртта беш йилликдан бери ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида ишламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида, деди сўнгра колхоз ранси, ўртага қўйилган бир талаб мамлакатда қайта қуриш соҳасида бошланиб кетган ишларнинг бутун моҳиятини, ўзагини белгилаб берди. У ҳам бўлса, сўз билан ишнинг бирлиги тўғрисидаги талабдир. Баъзан айрим масъул ходимларнинг нутқини эшитганингда —у нақадар яхши гапиряпти, партия ва ҳукумат қарорларини маъқуллаяпти, деб ўйлайсан, киши. Аммо маъқуллашнинг ўзи камлик қилади, қарорларни амалга ошириш соҳасида ижодий ишлаш ҳам керак.

Шундан кейин нотиқ қишлоқ хўжалигини интенсивлашга олимларнинг ҳиссасини кўпайтириш зарурлигини айтди ва суғориладиган деҳқончилик проблемаларига тўхталди.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Назарбоев** қардош иттифоқдош республикаларнинг ҳар бири ҳар томонлама ривожланиб, уларнинг мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ўсиб бораётганлигини айтди. Бу КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг, совет халқлари бузилмас дўстлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Нотиқ ўн иккинчи беш йилликда Қозоғистон экономикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини таърифлаб, республика коммунистлари ўзларининг ўн олтинчи съездида очиб берган резервлар тўғрисида гапирди. Коммунистлар кўзбўямачилик ва такаббурлик, хўжасизлик, жамоат мулкини ўғирлаш, социал адолат принциплари, шунингдек кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни тарбиялаш принциплари бузилаётганлиги каби кенг тарқалган фактларни қатъиян қоралардилар. Барқарорликни таъминлаш баҳонасида ходимларнинг юксак лавозимларда узоқ вақт туриб қолиши таркиб топди, бу эса мақтов ва хушомадгўйлик вазиятини вужудга келтириб, ана шундай раҳбарларни танқиддан холи қилиб қўйди. Кадрларга нисбатан авайлаб муносабатда бўлиш тўғрисидаги талаб баъзи жойларда гуноҳларни кечириш ва ҳамма нарсага йўл қўйиб беришга айланиб кетди.

Бу партия ва давлат интизомини бузишларга олиб келди. КПСС Марказий Комитети очиб ташлаган шундай фактларга кўра, Чимкент ва Олмаота область партия комитетларининг биринчи секретарлари, Целиноград область ижроия комитетининг раиси, бошқа бир қанча раҳбар ходимлар эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиндилар.

Бундай салбий ҳолатлар Қозоғистон халқ хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатмай қолмади, деб давом этди нотиқ.

Ҳозир қозоғистонликлар умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республиканинг ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда ўз ишларини қайта қурмоқдалар. Ишлаб чиқариш коллективлари ўз меҳнатининг маромии ва мазмуни беш йиллик бошиданоқ унинг тиғиз вазифаларига мос бўлишига интилмоқдалар.

Сўнгра нотиқ бир қанча иттифоқ министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ишнинг оқибати билан ҳисоблашмай, республика учун ғоят муҳим проблемаларни ҳал этиш муддатларини кечиктириб эски усулда ишлаётганлигини кўрсатувчи фактларни айтиб ўтди. У планлаштирувчи органларнинг планлар сифати ва балансилиги учун, министрларнинг эса партия ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилиши учун амалда масъулиятини ошириш пайти келганлиги тўғрисида съездда айтилган талабни қўллаб қувватлади. Шундай қилинганда маҳаллий органлар, корхоналар раҳбарларининг масъулияти ҳам ошади ва конкретлашади.

Съезд кунларида бизларни қамраб олган фикр-ўйлар ва ҳис-туйғулар орасида бир нарса — партия, халқ қизғин қўллаб-қувватлаган Марказий Комитетнинг апрель Пленумида ишлаб чиқилган сиёсатни рўёбга чиқариш учун, партия XXVII съезди қарорларини бажариш учун юксак масъулият алоҳида ўрин эгаллайди, деди Томск областидаги «Химстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи **П. Г. Пронягин.**

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни талай даражада жадаллаштиришда Сибирь, Шарқий районлар ғоят катта роль ўйнайди, деди у. Бугун съездда муҳокама қилинаётган Асосий йўналишларда мазкур регионнинг ишлаб чиқариш кучларини жадаллаштириш муҳим роль ўйнайди.

Сибирни катта қурилиш майдони, дейишади. Томск областининг ўзидагина нефть қазиб чиқариш ва ёғоч тайёрлаш районлари кенгаймоқда, приборсозлик ва машинасозлик такомиллаштирилмоқда, илм-фан жадаллашди. Қишлоқлар мустаҳкамланмоқда, томскликларнинг турмуш шароитлари яхшиланмоқда. Саноат узелининг яратилиши билан бир пайтда йирик қишлоқ хўжалик комплекслари қурилди. Уй-жой қуриш миқдори ва сифати ортди.

Нотиқ эришилган ютуқларга баҳо бериб, қурувчилар ҳатто мавжуд имкониятларнинг ўзи билан ҳам кўпроқ ва яхшироқ иш қилишлари мумкин эди, деб таъкидлади. Бунинг учун қурилиш сиёсатида туб ўзгаришлар бўлиши керак. Бу ўзгаришларнинг моҳияти аввалги одатлар, иш методлари ва услубларидан қочишни оғизда эмас, амалда тезлатишдан иборатдир.

Кўпгина делегатларнинг нутқларида бинокорлар шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди, деди нотиқ. Хўш, нима учун кўп йиллардан бери капитал қурилиш — мамлакатнинг энг муҳим ишлаб чиқариши қолоқ соҳа бўлиб келмоқда? Менимча, бунинг биринчи навбатдаги сабаби шуки, бизда қурувчиларга нисбатан истеъмолчилик муносабат системаси мустаҳкам ўрнашиб қолди. Бинокорларнинг имкониятлари чексиз эмас, лекин юқори органлар баъзида объектив сабабларга кўра, ресурслар билан мустаҳкамланмаган, амалга ошириб бўлмайдиган проблемани тиқиштирадиларки, бу нарса қурилиш ишларини ердан чиқариб юборади ва кўпинча планни барбод қилади.

Қурилиш ишларини иш характери ва маҳаллий шароитларга боғланган реал норматив муддатларга мувофиқ планлаштиришга жадал ўтказиш вужудга келган аҳволдан чиқарса керак.

Меҳнаткашларга ишончнинг ортаётганлиги, партия комитетлари фаолиятидаги ошкоралик ва рўй-рост иш юритиш одамларга маъқул бўлмоқда, партиямизнинг обрўсини мустаҳкамламоқда, КПСС ва унинг бош штаби бўлган Марказий Комитет аҳамиятини янада юксакликка кўтармоқда, деди КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари **Ю. Н. Прокопьев.** Нотиқ ишлаб чиқаришни қайтадан қуроллантириш, меҳнат коллективларида уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш бошланғич партия ташкилотларига боғлиқлигини таъкидлаб, республикада уларнинг ташаббускорлиги ва жанговарлигини ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Якутия коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг Сибирь ва Узоқ Шарқни устун даражада ривожлантириш, бу регионларни комплекс ўзлаштириш соҳасидаги стратегик йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Нотиқ Жанубий Якутия территориал — ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш муаммоларига тўхталди.

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Беркакит — Томмот — Якутск темирйўлини қуришга киришилди. СССР темирйўллар ва СССР транспорт қурилиши министрликлари, маҳаллий партия ва совет органлари 1985 йилда кўрган тадбирлар ҳукумат қарорининг бажарилишини таъминлайдиган суръатларга эришиш имкониятини беради. Аммо, СССР Госплани ўн иккинчи беш йилликка ажратаётган маблағлар ана шу йўлнинг белгиланган муддатда қуриб битказилишини амалда йўққа чиқармоқда. Нотиқ рўй берган аҳволни бартараф этиш юзасидан бир қанча таклифлар айтди.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида партиянинг программавий мақсадларини амалга оширишнинг конкрет план топшириқлари белгиланган, деди КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари **Ф. В. Попов.** Ўлка партия комитети, партия ташкилотлари хотиржамлик қайфиятларига, «объектив» сабабларни рўкач қилаберишга қарши кескин кураш бошладилар. Рўйи рост айтишим керакки, эски одатларни тарк этиш осон кўчаётгани йўқ. Ҳамма раҳбарлар ҳам янги талаблар, янги вазифаларнинг моҳиятини чуқур англаб олган эмаслар, маълумки, улар орасида янгича ишлашга қодир бўлмаган кишилар ҳам бор. Биз амалий ишимизда буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмоқдамиз. Кўпдан-кўп юмушларимизнинг энг асосийси албатта дон ҳақидаги ташвишлардир. Ғарбий Сибирда етиштирилаётган доннинг деярли бешдан икки қисмини, сут ва гўштнинг учдан бир қисмини етказиб бераётган ўлкамизда 10 йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ҳажми ва аввало доннинг ялпи ҳажми амалда бир хил даражада турибди.

Бу эса бизни жуда ташвишлантирмоқда, деди нотиқ сўзини давом эттириб. Қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини объектив, ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқарар эканмиз, биз энг аввало ҳайдаладиган ҳар бир гектар ер самарасини оширишга, ердан фойдаланишда тартиб ўрнатишга куч-ғайратларимизни сарфламоқдамиз. Олтой тарихида фақат бир марта гектаридан салкам 20 центнердан ҳосил олинди, бу энди қайтарилмайди, деган «қатъий ишончни» бартараф этишга тўғри келади. Ана шундай ҳосил олинганлиги рекорд марра бўлган эди, буни ўрганиш, унга таҳлил қилиш ва жорий этиш керак.

Нотиқ ўлкадаги аграр сиёсатнинг конкрет йўналишларига батафсил тўхталиб, бу аввало интенсив технологияни ҳар томонлама ишлаб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади. Минерал ўғитлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ўн иккинчи беш йилликда Олтой минерал ўғитлар заводи қурилишини кенг авж олдириш кўзда тутилмоқда. Биз ана шу корхона қурилишини жадаллаштиришни илтимос қилмоқчимиз, шунингдек Сибирда минерал ўғитлар саноатини бундан буён ҳам тараққий эттириш имкониятларини кўриб чиқишни сўраймиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг туб проблемаларини ҳал этишга янги бошқарув органлари бўлган агросаноат бирлашмасининг куч-ғайрати сарфламоқда. Партия комитетлари ушбу бирлашмаларда ишлаш учун ниҳоятда малакали ва тажрибали ташкилотчи — мутахассисларни юбордилар. Биз ишлаб чиқариш базасининг равнақи билан бир қаторда инфраструктурани мустаҳкамлашга, социал-маданий қурилишни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу соҳада ҳам проблемалар бор, уларни ҳал этмоқ учун биз Марказий органлар билан биргаликда яна ҳам зўр ғайрат билан ишлашимиз керак.

Ўлкада ишлаб чиқариш билан қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ўртасидаги номутаносиблик йил сайин ортиб бормоқда. Бу қандай исрофгарчиликларга сабаб бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ана шу ўткир проблемани ҳал этишдан ҳам ўзимизни четга олмаслигимиз керак.

Съезд ҳужжатлари шаншубҳасиз, партиямизнинг назарий хазинасини бойитади, деди УССР Фанлар академиясининг президенти **Б. Е. Патон.** Партия ишлаб чиққан йўлни батамом қўллаб-қувватлаётган Украина олимлари фаннинг жуда катта бунёдкорлик имкониятларини халқ хўжалигига хизмат қилдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Биз илмий кучлар ва моддий ресурсларни аввало бош йўналишларга жамламоқдамиз. Бу йўналишларнинг айримларида ҳақиқатан ҳам йирик фундаментал натижаларга эришдик. Булар негизида машинасозлик, металлургия ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун самарали технологиялар ишлаб чиқилди.

Нотиқ фан билан ишлаб чиқариш алоқалари формаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига тўхталди. Украина Фанлар академияси бунга катта аҳамият бермоқда. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида 3 миллиард сўмликдан ортиқ иқтисодий самара берадиган 7,5 мингта иш халқ хўжалигига жорий этилди.

Чуқур фундаменталлик ҳамиша совет фанининг кучли жиҳати бўлиб келди. Биз бундан буён ҳам фундаментал тадқиқотларни устун даражада ривожлантиришни таъминлашимиз лозим. Лекин янги билимлар излашни партия бугунги кунда талаб қилаётганидек, бу билимлардан амалда фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилиш билан янада кўпроқ қўшиб олиб бориш керак. Аввало фундаментал тадқиқотларнинг йўналишини катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган фан-техника проблемаларни ҳал этишга, корхоналар ва экономикамизнинг бутун-бутун тармоқларини ҳар томонлама модернизация қилишни таъминлайдиган йирик технологиялар тарзидаги натижаларга эришишга қаратишни анча кучайтириш лозим. Бу соҳада афсуски, ҳамма нарса силлиқ кўчаётгани йўқ. Кўпинча эскича ишлашга барҳам бериш, мавжуд бўлимлар, лабораторияларни янгича фаолиятга кўчириш қийин бўлмоқда. Баъзан эса бутун-бутун институтларни эскирган муаммолардан воз кечиб, янги, муҳим, ҳал қилувчи проблемага йўналтириш ҳам осон бўлаётгани йўқ. Фанимизни ҳақиқатан ҳам интенсив ривожланиш йўлига тезроқ ўтказиш керак, деб таъкидлади Б. Е. Патон.

Фан ютуқларининг кенг қўламда жорий этилишини таъминлаш муҳимдир. Юзлаб, баъзан эса минтинлаб ечимлар фақат бир миқёсда қўлланилаётган экан, бу бу тараққиётнинг ўзи эмас, балки соясидир. Бу соҳада ҳам тубдан ўзгаришга эришишмоқ учун олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари бир-бирларига пешвоз чиқиб ғайрат билан меҳнат қилишлари, ҳамма манфаатдор томонлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаши ва умумий қарорларга келишлари лозим. Илм-фан ютуқларни кенг қўламда жорий этиш учун ҳамма имкониятларни ишга солгани йўқ.

Олимлар қилиши керак бўлган асосий иш—корхоналарнинг буюмларни тайёрлаш ва уларни қўллаб ишлаб чиқаришдаги реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ечимларни етарли даражада такомилга етказишдан иборат. Бунинг учун илмий муассасаларда такомиллашган тажриба-конструкторлик ишлаб чиқариш базасига эга бўлиш мутлақо зарурдир.

Нотиқ Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилга қадар фан-техника тараққиёти Комплекс программасини амалга ошириш масалаларига тўхталди.

Совет кишиларига, деди Латвиядаги Бауска район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори **Н. Д. Дзенис** энг аъло маиший хизмат кўрсатилиши керак. Республикада бу борада актив иш олиб борилмоқда. Комбинатимизнинг коллективи қишлоқдаги маиший хизмат шаҳардагидан фарқ қилмаслиги учун ҳаракат қилмоқда. Ҳозир район меҳнаткашларига кўрсатилаётган хизмат тури 300 тадан ҳам ошиб кетди, буларнинг ялпи ҳажми ўтган беш йилликда 36 процент кўпайди.

Нотиқ бундай деди: биз бизни аввало, маиший хизмат корхоналарининг техника жиҳатидан суст жиҳозланганлиги ташвишга солмоқда: хизмат кўрсатишнинг кўп турларини бўйича механизация даражаси 30 процентдан ошмайдиган. Бир қанча ҳолларда ишлаш нуқтаи кўлда бажарилмоқда.

Ўтган йили мен «Интербитмаш-85» кўргазмасида бўлиб, Ватанимизда ва чет элларда тайёрланган ва биз учун жуда ҳам зарур бўлган техникани кўрдим. Лекин ҳар қалай кўргазма-кўргазмада. У ерда кўрсатилган техника атиги бир неча нусҳагина тайёрланганлиги, тармоғимиз учун эса миллионлаб ускуналар зарур. Ҳаммамиз маиший хизмат ходимлари номидан муайян министрликлар ва муассасалар раҳбарларига мурожаат этиб, ул улар фан-техника тараққиёти бизни четлаб ўтмаслиги учун ҳамма ишларни бажаришларини илтимос қиламан.

Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссияси ва секретариатининг аъзоси **Володя Тейтельбойм,** Сурия Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари **Абдабдалла Ал Аҳмар,** Кампучия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси **Хенг Самрин,** Аргентина Коммунистик партиясининг Бош секретари **Атос Фава,** Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг Раиси **Мицухиро Кэнэко** съездда табрик нутқларини сўзладилар.

Кечки мажлисда Асосий йўналишларга оид докладни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Съезд 5 мартда ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).



Москва. Кремлнинг Съезд лар саройи. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди. Суратда: мажлислар зали. (ТАСС фотоси).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

РИМ

Италия матбуоти КПСС XXVII съездига катта эътибор бермоқда.

Италия коммунистларининг «Унита» газетаси ИКП делегациясининг съезддаги бошлиғи У. Пеккьоли фикрларини босиб чиқарди. У жумладан бундай деди: «Ўртоқ Горбачевнинг доклади катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир, доклад новаторлик руҳи билан суғорилган». Қуролсизланиш ва кескинликни юмшатишга қаратилган совет тинчлик ташаббуслари съездда яна бир бор тасдиқланганлиги диққатга сазовордир. Ички аҳволга келганда, У. Пеккьолининг фикрича, кўпгина муаммолар биринчи марта шундай танқидий ва реалистик руҳда кўтариб чиқилди. Гап енгил бўлмаган ва жиддий йўл ҳақида кетмоқда. Катта самарадорликка эришишнинг қатъий талаби экономикани планлаштириш, бошқариш ва унинг структурасини реформа қилиш талаблари билан боғланмоқда. У. Пеккьоли «бу реформаларнинг муваффақияти гражданларнинг социал ўз-ўзини бошқаришда демократик қатнашувини ривожлантиришни назарда тутади», деб таъкидлайди.

ВЕНА

Австриянинг оммавий ахборот воситалари КПСС XXVII съезди ишини муфассал ёритиб бормоқдалар. «Фольксштимме» газетаси ўзининг Москвадаги махсус мухбирларидан олинган хабарда съезд делегатларининг нутқлари конструктив, дадил характерда бўлаётганлигини ҳикоя қилмоқда.

Съезд делегатлари етилган масалалар тўғрисида ошкора ва танқидий гапириш билан, деб ёзади газета, шунга ишонч билдирмоқдаларки, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида қўйилган совет жамиятини социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифалари муваффақиятли бажарилади. Чунки, улар реалистик вазифалар бўлиб, совет халқи томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Бу ердаги бир қатор етакчи газеталар КПСС Марказий Комитети Сиёсий докладининг КПСС ташқи сиёсий стратегиясининг асосий мақсадлари ва йўналишлари баён қилинган бўлимига алоҳида эътибор бермоқдалар.

ДЕҲЛИ

КПСС XXVII съездининг иши ҳамон ҳинд оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусидан бири бўлиб турипти. Съезднинг мажлислари ҳақида мунтазам хабар бериб борилмоқда, делегатларнинг нутқлари баёни берилмоқда, бу тарихий воқеа қатнашчиларининг фотосуратлари босиб чиқарилмоқда. Халқаро хавфсизлик системаси, тинчлик комплекс программаси юзасидан Сиёсий докладда илгари сурилган таклифлар алоҳида эътиборни жалб қилмоқда. Бу совет таклифлари ҳинд жамоатчилигининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Матбуотнинг шарҳларида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида ҳозирги дунёда ривожланаётган мамлакатлар аҳволи таҳлил қилиб берилганлигининг муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Бугун «Пэтриот» газетаси «КПСС съездининг Ҳиндистон учун аҳамияти» деган катта мақола билан чиқди. «Совет Иттифоқининг ер юзида тинчликка эришиш учун ҳар томонлама ёндашиши, — деб ёзади газета, — низоларни бартараф этиш учун янги замин вужудга келтиради. Олисни кўзловчи бу сиёсат ҳинд халқининг тинчликка бўлган интилишига батамом жавоб беради».

ТОКИО

«Асахи» газетаси совет коммунистларининг XXVII съездида маъқулланган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини шарҳлаб, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосий мақсади ядро хавфини бартараф этиш ва тинч-тотув яшаш системасини мустаҳкамлашдан иборат, деб ёзди. Янги таҳрирдаги Программада деб таъкидлайди газета, КПСС даврининг энг асосий масаласи — тинчликни сақлаб қолиш ва урушга йўл қўймасликдан иборат, деган фикрдан келиб чиқади.

МАДОРАС

Бангалорнинг «Декан геральд» газетаси «Мақсад — динамик экономика» сарлавҳаси остида КПСС XXVII съездига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладига бағишланган катта таҳлилий мақолани босиб чиқарди. Мақолада кузатувчилар бу съезд кейинги ўн йилликлар давомида совет коммунистларининг энг муҳим съезди бўлди, деган якдил фикрни айтмоқдалар, дейилади. Совет жамиятини ривожлантиришда йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар тўғрисида докладда ошкоралик билан айтилганлигини таъкидлаб, мақола автори Советлар мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг илгари сурилган вазифалари реаллигига эътиборни қаратади.

ДАККА

КПСС XXVII съезди — бутун жаҳон учун муҳим воқеадир, деб таъкидлайди Бангладеш Коммунистик партияси (БКП) Марказий Комитетининг Бош секретари М. Фарҳод. «Икота» газетасида эълон қилинган мақолада Бангладеш коммунистларининг раҳбари халқаро тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, миллий-озодлик ҳаракатлари, демократия ва социал-тараққиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган КПССнинг изчил ташқи сиёсий йўлига юксак баҳо беради.

Қитъалардан дараклар

● ДАМАШҚ. Сурия президенти Х. Асад Америка Қўшма Штатларининг Яқин Шарқдаги сиёсатини ва Вашингтон Исроилнинг агрессив сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигини қоралади. Сурия Араб Республикасининг халқ кенгаши (парламенти)да сўзга чиқиб, у араб халқлари Яқин Шарқдаги можаронни бартараф этишнинг таслимчилик йўлини рад этади, деб уқтирди. Чунки бу таслимчилик йўли арабларнинг орасини бузишга ва регионда империализм ҳокимлигини ўрнатишга қаратилгандир.

Х. Асад Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар араб халқларининг ўз миллий ҳуқуқлари учун адолатли курашини қаттиқ ва изчил қўллаб-қувватлаётганлигини юқори баҳолади.

● ОТТАВА. Канада индеецлари ташкилоти — туб халқлар ассамблеясининг раҳбари Жо Матаэс Канадада Американинг қанотли ракеталари синовини тўхтатишни талаб қилди. Гарчи бу ракеталар ядровий каллаклар сиз синаб кўрилаётган бўлса ҳам, деб таъкидлади у,— ҳар қалай бу қурол синови Канаданинг шимолий-ғарбий районларида яшовчи аҳоли учун жуда хатарлидир. Вакиллар палатасида депутатлар ўринлари сони жиҳатидан учинчи ўринни эгаллаб турган янги демократик партия ҳам ҳукуматга ана шундай талаб билан мурожаат қилди. 25 февраль куни Американинг «Б-52» стратегик бомбардимончиси бортидан учирилган Бофорт қанотли ракетаси денгизга қулаб тушганидан кейин Канада Бош министрининг хат ва телеграммалар кела бошлади. Бу хат ва телеграммаларнинг муаллифлари мамлакат территориясини Американинг ракета-ядро қуроли синови майдонига айлантиришга қарши норозилик билдирмоқдалар. Канада ҳукумати сўнгги иккита муваффақиятсизлик сабаби аниқланиб, Пентагон тушунтириш хати тақдим этмагунча Америка қанотли ракеталарининг синовларини тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Қ а т ъ и й и ш о н ч

● УЛАН-БАТОР. Монголиянинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди ишини, совет коммунистлари форумига КПСС Марказий Комитети Сиёсий докладининг хулосалари ва қондаларини қизғин маъқуллаётганлигини таъкидлаб, республикада Совет Иттифоқи илмий-техника ва социал-тараққиётнинг олдинги марраларига чиқади.

Факт ва шарҳ

Ишда ҳам башанг кийинайлик

Навоий цемент заводида коржома-махсус кийим салони очилди. Турли кийим-кечак намуналари илиб қўйилгани, уларни кийиб кўриш хоналари, кўзгулар борлиги учун бу салон магазинни эслатади. Бу ерда тикув участкаси ҳам бўлиб, либос бўй-бастингизга узун ёки калта келиб қолса, дарров тўғрилаш мумкин.

Яқин-яқингача ҳам ишчилар омборда ғижимланиб ётган коржомани олишарди. Ростини айтганда, иш кийимини танлаб ўтиришга фурсат ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Қўлга илинганини беришар, ишчилар ҳам олиб кетаверишарди.

Касаба союзнинг фаол аъзолари профком мажлисида коржомани сақлаш ва ишчиларга тарқатиш масаласини кўтариб чиқишди. Ўшанда маъмурият ва хўжалик ходимлари шаънига таъна-дашном гаплари айтилди: ахир, коржома миллионлаб сўмга тушади. Ишчининг кайфияти яхши бўлсин ва у яйраб-яшнаб ишласин, деб коржома ҳақини давлатнинг ўзи тўлайди. Бу коллектив шартномада ҳам назарда тутилган.

Активлар коржома-махсус кийим салони очишни таклиф этдилар. Бундай салон очиш қимматга тушмайди, самара эса сезиларли бўлади. Санитария — маиший корпуснинг бир қавати салонга ажратиб берилди, кир ювиш, дазмоллаш, коржомани кийиб кўриш хоналарига зарур жиҳозлар ўрнатилди.

Коржомалар, пойафзал, махсус бош кийими ҳамда шахсий муҳофаза воситалари сирасига кирадиган бошқа буюмлар сифатини назорат қилувчи жамоатчилик комиссияси ҳам ишга астойдил киришди. Илгари ҳам ана шундай комиссия бор эди. Ленин у оти бору ўзи йўқ комиссиялардан эди: «Коржома текин бўлса уни кийиб биз сайру-томошага эмас, балки цехга борамизку, борини илиб кетаверамиз-да», дегувчилар ҳам бор эди. Ҳозир эса ўйлаб қолишди. Нега энди брак маҳсулот юборган корхоналарга раҳмат айтишимиз керак экан? Шу аснода тикув корхоналарига эътирозномалар ёзила бошлади.

Коржомани бериш ва ундан фойдаланиш устидан назорат ўрнатилди. Ҳар бир ишчи учун алоҳида варақа очилиб, унга лозим бўлган коржоманинг размери, бўйи ва бу кийим ишчига қачон берилгани ва ҳоказолар ёзиб бориладиган бўлди... Таъминотчилар илгари корхонада қанча одам ишлашига қараб хомчўт билан коржома буюрар эдилар. Оқибатда аёл коржомаси ўрнига эркак кийимига буюртма берилар, размерлар ҳам хомаки белгиланарди. Эндиликда буюртма берилаётганида янглишишлар барҳам топди.

Ишчилар ҳам «бепул» коржомани асрабавайлаб киядиган бўлиб қолишди.

Чўлқуварлар учун уйлар

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига қарашли Тошкентдаги 1-қишлоқ уйсозлик комбинатининг коллективи коммунистик шанбалик кунида Жиззах областининг қўриқ хўжаликлари учун йиғма уйлар конструкциялари комплектларини тайёрлаб берадилар. Мингдан ортиқ ишчи меҳнат байрамида ўз иш жойларини эгаллаб ўн минг сўмлик турли конструкциялар ишлаб чиқаради. Бу одатдагидан анча кўпдир. Комбинат шофёрлари ҳам коммунистик шанбалик шарафига юксак мажбурият қабул қилдилар. Улар тўрт юз тоннадан ортиқ конструкциялар ва бинокорлик материалларини тежалган ёнилғи ҳисобига белгиланган жойларга етказиб берадилар.

(ЎзТАГ).

Модалар театри

● МИНСК.

«Прогресс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-Модалар уйи ходимлари либосларнинг янги моделлари анъанавий кўригига янгилик киритдилар. Маникенчилар аввалдан тайёрланган сценарий бўйича турли хил маиший саҳналарни ижро этмоқдалар. Бу театр элементлари киритилган томошани кўриш учун Модалар уйига йиғилган ишқибозлар либосларнинг бичими ва кўркамлиги ҳақида яхши тасаввур олмоқдалар.

СУРАТДА: маникенчи Наталья Карпова ва Минск маданият институтининг студенти янги моделни намойиш қилмоқда.

Келажак энергетикаси

◆ ЛЕНИНГРАД.

Бирламчи қуввати анча ошган бўлса ҳам йирик турбогенераторларнинг вазнини кўп даражада камайтириш ва ҳажмини кичрайтириш мумкин. XX аср кашфиётларидан бири — ўта ўтказувчанлик ҳодисасидан амалда фойдаланиш электр машинасозлари олдида ана шундай имкониятлар очиб бермоқда. Иссиқлик электр станциялари учун жаҳонда биринчи марта қуввати 300 минг киловатт бўлган криоген агрегатини комплекс тарзда созлаш ишлари «Электросила» бирлашмасида бошланди.

— Ана шундай электр машиналари бизнинг илмий-техника революцияси давримизда ҳам жуда муҳим ютуқ, деб баҳоланиши лозим, — деди СССР Фанлар академияси Ленинград маркази президиумининг раиси академик И. Глебов. — Совет олимлари, инженерлари, конструкторлари, ишчиларининг истеъдоди билан дунёга келган бу машиналар энергетика тараққиётида навбатдаги босқични бошлаб беради.

Жонажон Ватан бўйлаб

● МОСКВА. Давлат Марказий Концерт залида «Рус аёллари» (шоирлар Н. Некрасов, А. Пушкин, А. Кольцов асарлари асосида) драматик операсининг премьераси бўлиб ўтди. Бош ролни РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Валентина Толкунова ижро этди.

Суратда: спектаклдан бир лавҳа.

Кино янгилиги

«Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили»

Фан ва техника ютуқлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир.

Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида суратга олинган «XII беш йилликнинг биринчи йили» картинасида ана шу долзарб масалалар ҳақида фикрлади.

Сценарий муаллифи Ю. Ряженцев, режиссёр Ю. Собитов ва оператор К. Ҳасанов «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмаси мисолида автоматлаштириш ва механизациялаштириш борасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Лентада улкан саноат корхонаси участкасидаги муҳим ўзгаришлар, рационализациялаштиришда иштирок этган завод меҳнаткашлари фаолияти атрофлича кўрсатилган. Бу коллективда меҳнатни ташкил этишнинг энг янги ҳамда илғор формаларидан бири бўлмиш меҳнаткашларнинг қобилиятига кўра иш билан таъминлаш усули жорий этилгандир. Фильм ана шулар ҳақида мароқли ҳикоя қилади. Бирлашма коллективи ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш борасида эришаётган самарали натижалар ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган корхона СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг Ҳурмат тахтасидан жой олган.

Мазкур картина ўзбек киноҳужжатчиларининг КПССнинг XXVII съездига бағишланган муносиб совғасидир.

Энди баҳор келди деб ер енгил нафас олаётганида яна қор ёғди. Диловар шаҳар яна оқликка ўраниб жилмаяди. Эҳтимол бу йилнинг сўнгги қоридир...

Олақарғаларнинг тағин куни туғиб қолди.

В. Таматаев фотолари.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Умр оғуси

Донолар айтганидек, умр инсонга бир марта берилади. Уни шундай ўтказиш керакки, кейинчалик умрнинг бекор совурилганига, саломатлик арзимаган нарса деб йўқотилганига ачиниб юрмаслик керак. Умрнинг оғуси, ширин ҳаётнинг кушандаси эса алкоголизм эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Биламизки, инсон тирик мавжудотнинг олий вакили. У ҳамма нарсага, буюк ишларга қодир. Одам бош миясининг фақат пўстлоғида 44 миллиарддан зиёд асаб ҳужайраси бўлади. Демак, инсон организми мураккаб тузилган ва бажараётган хизмати поёнсиздир. Шунинг учун ҳам инсонда одамийлик, садоқат, фидойилик, ота-она ва фарзандларга меҳр-шафқат, дўстлик, илмга, ҳунарга интилиш, ўзгалар бахтидан қувониш ва яна жуда кўп ажойиб хислатлар борки, булар билан фахрланамиз. Афсуслар бўлсинки, инсоннинг шундай олижаноб хислатлари спиртли ичимликлар ичиш натижасида йўқолади.

Медицина ибораси билан айтганда, алкоголизм ичимликларни оз-оздан, сурункали истеъмол қилиб юриш оқибатида одат тусига кирган касалликдир. Ичкилик ичилгандан кейин у аввало оғиз бўшлиғида ва қизил ўнгачда, кейин меъда, шунингдек қисман ўн икки бармоқ ичида сўрилади. Сўнгра тўқима ва ҳужайраларнинг сувини тортиб олади. Алкоголнинг ҳатто жуда суюлтирилган эритмалари ҳам шиллиқ пардаларни буриштириб қўяди. Кучлироқ эритмалари эса юза жойлашган ҳужайраларни ўлдиради. У ердан эса қон оқими билан мияга етиб боради. Шундан сўнг мастлик ҳолати пайдо бўлади.

Хўш, маст бўлиш ҳолати қандай? Одатда маст бўлишнинг уч хил вазияти кузатилади. Биринчиси — енгил маст бўлиш. Бунда одамнинг асаб-руҳияти бир оз кўзғалади ва безовта бўлади. Кўзлари ялтираб туради, ҳаракати тезлашади. У ҳазил-мутойиба қилади, кўпинча ҳазиллари сийқа, ўринсиз, ҳаёсиз бўлади. Дуч келган одам билан танишмоқчи ва мақтанишга мойил бўлади. Иккинчи ҳолатни ўртача маст бўлиш деймиз. Бунда унинг салга жаҳли чиқади, тажовузкор бўлиб қолади. Кўнгли айнийди, ичкиликни кўтара олмаганлари қусади. Ўзича ботир бўлиб кетади, ҳаммадан кучлига ўхшаб туюлади. Ҳаракатлари бесўнақай бўлиб, гандираклаб юради. Атрофида бўлаётган воқеаларни унча фахмлай олмайди. Бундай пайтда ичган одам бахтсиз ҳодисага дучор бўлиши мумкин. Учинчи ҳолат, оғир маст бўлишдир. Бунда маст одам юролмай қолади, қаттиқ гандираклайди, дуч келган жойда йиқилиб, қаттиқ ухлаб қолади.

Алкоголь ҳар хил касалликларга дучор қилади. Булардан қон босими, жигар цирози, ошқозон, тутқаноқ касалини, насл-зотга таъсирини ва руҳий хасталикларни оғир кечиради. Алкоголь тутқаноғининг руҳий касалликларидан бири — оқ алаҳлашдир. Бу дард русчада «белая горячка» деб аталиб, бунда бемор кечалари ўз-ўзидан қўрқиб, ваҳимага тушади, гўё ярим уйғоқ, ярим уйқу ҳолатида бўлади, қулоғига ҳар хил товушлар: шовқин-суронлар, шитир-шитирлар эшитилади, кўзига худди атрофда ўрмалаётган ҳашаротлар, сичқонлар кўринади, даҳшатли маҳлуқлар гўё унга ҳужум қилади. Бемор бу пайтда атрофидаги одамларга ҳужум қилиб, оғир шикаст етказиши мумкин. Агар шу пайтда бемор тезда даволанишга ётқизилмаса, кўнгилсиз воқеа юз беради. Баъзи ҳолларда бу беморларнинг тана ҳарорати 39—40 даражага кўтарилади (шунинг учун ҳам уни «горячка» деб олинган).

Ичкиликбозлик оқибатининг энг ёмон кўриниши насл-насабга таъсиридир. Алкоголь ота-онадан туғилган болалар нуқсонли, ақли паст, майиб-мажруҳ бўлади. Бундай болалар аксари одамови, ғазабкор, аламзада, ҳасадгўй ёки аксинча ёлғончи, журъатсиз, уятчан бўлиб ўсади, чунки у ота ёки онасининг пиянисталигидан уялади, эзилади.

Ҳаёт оғуси бўлган ичкиликни кўпинча эркаклар ичишади. Афсуслар бўлсинки, сўнгги йилларда аёллар ўртасида ҳам ичкилик ичиш одат тусига кириб борди. Аёлларга: «Саломат бўлинг», «Кувват бўлди» деган қабилда қадаҳлар тутиляпти, натижада эрлари билан баъзи хотинлар ҳам қайсафо қилиб, маст бўлишга одатланишаяпти. Медик олимларнинг текширишларига қараганда, эркакларга нисбатан аёллар ичкиликка тез орада берилиб қоладилар. Табиат аёлларга ҳусн, назокат, бебаҳо бойлик — оналик бахтини берганки, биз ўринсиз қадаҳлар тутиб, уларнинг бахтига зомин бўлмайлик. Бир қултум ичкилик деб аёллар фарзанд кўришга даво излаб шифохоналарга қатнамасинлар, нуқсонли, майиб-мажруҳ фарзанд кўриб, унинг жафосида умрлари қийноқда, ҳасрат-надомаТда ўтмасин!

Сурункали ичадиган ва тамаки чекадиган гражданлар ҳисобга олиниб, шаҳар наркология диспансерига рўйхати берилади. Наркология диспансери булар билан махсус даволаш ишларини олиб боради.

Ҳаётимиз гўзал, тўқчилик, ҳар биримизнинг рўзғоримиз бекаму-кўст. Партия ва ҳукуматимиз аҳолининг моддий-маиший фаровонлигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, фарзандларимизнинг сиҳат-саломат, бахтли-саодатли бўлиб ўсиши, камол топиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳушёр одам ичкиликнинг жамиятимизга, келажак авлодга, оилага, ўзи ишлайдиган корхонага нақадар катта зарар келтиришини, ўз ҳаёти ва бошқалар ҳаётини заҳарлашини асло унутмаслиги керак!

Ш. МИРЗАЕВ,
Акмал Икромов районидаги 8-поликлиника бош врачи.



—Ота ўғил, мана шунга яримта арақ ёки иккита «Чашма» олиб кел, фақат ойинг сезмасин.

— Бизда ҳозир арақ сотиладиган вақт эмас, фақат овқат буюришингиз мумкин...

— Юз эллик грамм арақнинг иложини қилинг, томоқни ҳўллаб олай, сизни қуруқ қўймайман.

— Кранингизни тузатолмайман, бошим «гум» бўлиб турибди...

— Аналгин берайми!

— Йўғ-э, юз грамм арақ бўлса, олам гулистон...

Ш. Субхонов расмлари.

Семиришни ҳавас қилманг

◆ Семизлик учта босқичдан иборат: биринчисига ҳавасинг келади, иккинчисини масхара қиласан, учинчисига ачинасан.
ЭПШТЕЙН.

◆ Семизлик инфаркт хавфини икки марта оширади.
З. ЯНУШКЕВИЧУС.

◆ Очкўз ошқозонни ортиқча овқат билан жазолайди.
КОНФУЦИЙ.

◆ Бир семиз фабрикант профессор С. П. Боткиндан:
— Қандай қилиб озишим мумкин, — деб сўради.
— Меҳнат қилиб пул топинг, бир сўмлик тамадди қилинг, —деб жавоб қилди профессор.

◆ 35—40 ёшларида 10 —12 килограммдан семира бошлаган киши ўз умрини беш йил ичида 7 йилга қисқартиради, у 45 ёшлик одамга, 60 ёшида эса 70 ёшлик кишига ўхшаб қолади.
В. ПАЦИЙ.

◆ Одам дастурхондан сал очлик сезиб туриб кетиши зарур.
А. А. БОГОМОЛОВ.

◆ Умрингни узайтиришни истасанг, таомни камайтир.
В. ФРАНКЛИН.

◆ Атоқли медик С. П. Боткин ҳузурига бир аёл кириб сўради:
— Айтингчи доктор, озиш учун нима қилиш керак!
— Бунинг учун бошингизни ўнгдан чапга ва чапдан ўнгга тебратишингиз кифоя, — жавоб берди Боткин.
— Қачон шундай қилишим керак!
— Овқат пайти, тўйгач «олинг-олинг» дейишганда, — деди жиддий туриб доктор.

◆ Бутун организм ҳаракати энг нозик аъзо бўлган юракнинг ишлаши билан боғлиқдир. Юракка ортиқча юк ортмаслик учун овқатланиш меъёрини сақлаш катта аҳамиятга эга.

Ортиқча тўйиб овқатланмаслик даркор. Ортиқча овқат истеъмол қилиш семиришга олиб келади. Семизлик юракка ортиқча юкдир. Хўш, бу масалада аниқ бир чегара борми! Ҳа, албатта. Биринчидан, шундай чегара ролини одамнинг ўз вазни бажаради. Одамнинг вазни бўй ўлчовидан 100 сантиметр кам ўлчамга тенг келиши керак. Яъни бўйингиз 170 сантиметр бўлса, нормал вазнингиз 70 килограмм бўлиши керак.
В. ФРОЛОВ.

Медицина фанлари кандидатлари З. ЭГАМБЕРДИЕВ ва З. ЭГАМБЕРДИЕВАлар тўплашган.

Кўк сомса

Баҳорда дармонсизлик сезилади, дейишади. Бундай пайтда она табиатнинг ўзи дармон бўладиган неъматларни инъом этади. Ҳар хил шифобахш кўк, гиёҳ-ўтлардан таомлар тайёрлаб истеъмол қилиш танга қувват бағишлайди. Қуйида иккита шифобахш таомнинг тайёрланиши келтирилди.

Кўк сомса тайёрлаш учун ялпиз, жағ-жағ, отқулоқ, ёш беда барларини териб, яхшилаб ювилади. Булар майда қилиб тўғралиб, туз сепиб тиндириб қўйилади. Сўнг масаллиқ ёғда енгилгина қовурилади. Қаттиқ пиширилган тухум майда тўғралиб қўшиб юборилса, қийма тотли бўлади. Сомса газ духовкаси ёки тандирга ёпиб пиширилади.

Кўк оши

Кўк ошига шовул ва исмалоқ солинади. Шовулни ювиб ўз селига дамлаб қўйилади, исмалоқни эса сувда бир оз пишириб олсангиз табиий ранги сақланиб қолади. Бу ошкўкларни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, қайнаб турган шўрвага майда тўғралган бош пиёз, кўк пиёз, петрушка, мурч, лавр япроғи, туз қўшиб қайнатилади, сўнг қовурилган ун билан аралаштирилади-да, 10—15 минут давомида милдиратиб пиширилади. Дастурхонга тортишда ликопчага солиниб, устига қаймоқ, ошкўк ва сувда пиширилган тухумни икки бўлиб қўйилади.

МАГИСТРАЛЬ

Дружиначилар мадади

Ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари билан бир сафда махсус транспорт дружинаси аъзолари фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозир шаҳримиздаги корхоналар, автохўжаликлар, муассасалар қошида тузилган бундай дружиналар 200 тага етиб, улар ўз сафларига 3,5 мингдан зиёд кўнгиллиларни бирлаштирган.

Улар аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилишда, қоидабузарликларнинг олдини олишда, йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келадиган сабабларни аниқлашда бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Тошкент шаҳар кўнгилли халқ дружинаси штабининг махсус транспорт секцияси раисининг ўринбосари С. Арунн, Киров район кўнгилли халқ дружинаси штабининг махсус транспорт секцияси раисининг ўринбосари И. Казаков, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси аватобазаси дружинасининг командири Ш. Ғуломов, ипакчилик институти ҳайдовчиси М. Соибназаров, «Чевар» фабрикаси ишчиси Х. Бобоевлар энг актив дружиначиларимиздан ҳисобланишади.

Киров райони дружиначилари йўл интизомини мустаҳкамлаш учун курашда ибрат бўлишмоқда.

Айрим автохўжалик, ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари шаҳримиз кўчаларида намунали тартиб ўрнатиш ишидан ўзларини четга олишмоқда. «Главташпассавтотранс»га қарашли 8-автобус парки, 2-автотранспорт корхонаси, 3-механизация бошқармаси, 4-«Автодормехбаза», шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестининг 103-автотранспорт корхонаси дружиначилари мунтазам равишда ишлаши керак. Шу боисдан навбатчилик жадвалига амал қилмаяптилар.

Ҳаракат хавфсизлигини тўла таъминлаш учун кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Шу боисдан мазкур автохўжаликларнинг раҳбарлари бу масъулиятли ишга ўз муносабатларини ўзгартирадилар, деган умиддамиз.

А. ЭРНАЗАРОВ,
Ҳ. ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходимлари.

Бепарволик оқибати

Ўтган ҳафта шаҳримизда 49 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда 52 киши турли даражада тан жароҳати олди. Бу ҳодисаларнинг баъзилари рулдаги ҳайдовчиларнинг бепарволиклари оқибатида содир бўлди.

«Ҳаракатга хавф туғилган тақдирда ҳайдовчи транспорт воситасининг тезлигини камайтириши, зарур бўлганда уни тўхтатиш чорасини кўриши керак», дейилади йўл ҳаракати қондасида. Лекин кетма-кет рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар қоидани ўрганиш билан унга амал қилиш ўртасида жиддий тафовут борлигидан дарак бермоқда. «Главташкентстрой»га қарашли 3-автотранспорт корхонасининг «ЕрАЗ — 762» маркали «66— 02 ТНЛ» номерли автомашинаси ҳайдовчиси Ринат Муллануров рулни бошқариб бораётиб, бепарволикка йўл қўйди. Натижада олдинда бораётган «ГАЗ — 52» маркали «61 — 21 ТШМ» номерли автомашина тўхтаб қолганини сезмади. Бир лаҳзалик чалғиш оқибатида автомобиллар тўқнашиб кетди. Ҳайдовчи Р. Муллануров жароҳатланиб, иккала автомашина шикастланди.

Лўкма

Бензинми, безликми?

Мабодо машинангиз бўлса-ю, сизга «АИ—93» маркадаги бензин ўрнига қўлбола омихта бензин керак бўлса ҳеч иккиланмай шаҳримиздаги Шимоли-шарқ массивида жойлашган 16-бензин қуйиш станциясига ғир этиб боринг. У ерда машинангизнинг бакини «АИ—93» маркали бензин ўрнига давлат стандартига жавоб бермайдиган ёқилғи билан тўлдириб беришади. Буни билиш қийин эмас, чунки автомобиль клапанлари бензоколонкадаги акаларимизнинг қинғир ишларини пайқаб, «шовқин» сола бошлайди. Ана шундай воқеани инкор эта олмаган бензоколонкадаги А. Абдусатторов ва бошқа ходимлар ўзи қуйиб берган бензинни тўкиб, бошқа бензин ҳам солиб беришади.

Шу воқеадан кейин юқорида қайд қилинган бензиндан намуна олиб, «Главнефтьснабсбит»нинг Тошкент нефть базаси лабораториясига юборилди. Текшириш натижасида бензин октан сони бўйича давлат стандартига жавоб бермаслиги аниқланди....

А. ҲИДОЯТОВ.

Ҳаракат қатнашчилари диққатига!

Иссиқлик қувури ўтказилиши муносабати билан 18 июнга қадар Билбас кўчасида барча транспорт воситаларининг ҳаракати тўхтатилди.

Богдан Хмельницкий кўчасининг Олмазор кўчасигача бўлган қисмида қатнов йўлининг икки ҳаракат йўлкаси ёпилади. Йўлнинг бу участкасида 23 апрелгача канализация коллектори қурилиши олиб борилади.

Сув қувури ётқизилиши муносабати билан Халқлар Дўстлиги кўчасининг Франко кўчасидан Фарҳод кўчасига қадар бўлган қисмидаги турар жой массивларига олиб борадиган йўлда барча транспорт воситаларининг қатнови тўхтатилади. Қурилиш 20 мартгача давом этади.

Билимингизни синаб кўринг



ҚАЙСИ ТРАНСПОРТ ЙЎЛ БЕРИШИ КЕРАК?

«Тошкент оқшоми»нинг 1986 йил 19 февраль сонида эълон қилинган топшириққа М. Жалилов, И. Самадов, М. Худойқулов, М. Ғафуров, Б. Шокиров, Ш. Шожалилов, Ю. Аҳмедов, А. Шералиев, О. Юсупов, Н. Алимов, Ҳ. Қурбонов, М. Жониқулов, Ажиевлар оиласи, Т. Каримов, Н. Тўрахонова, С. Мансурова, Ш. Жўраев, С. Қодировалар тўғри жавоб йўллашган. Биринчи белги чапга бурилишни тақиқламайди.

Бугунги топшириққа ҳам тўғри жавоб йўллаганларнинг исм ва фамилиялари «Магистраль»нинг навбатдаги сонида эълон қилинади. Хатларингизни кутамиз.

XVI Халқаро ўсмирлар турнири — Март 1986 Тошкент

Чиниқиш кўриги

Тошкент ва пойтахт области стадионларида футбол бўйича XVI халқаро ўсмирлар турнири старт олди.

Турнирнинг старт матчида беллашган Ўзбекистон ва ГДР терма командалари ўртасидаги учрашув ғоятда қизиқарли ўтди. Об-ҳавонинг ноқулай келганига қарамай ҳар икки команда ўйинни юқори тезкорлик билан бошлашди. Ўлар ҳужумга ўтиш учун тўпни шерикларига яқин ва олис масофадан узатиш билан чекланмасдан, қулай имкониятга эга бўлиш учун майдон бўйлаб кўп ҳаракат қилишди.

Биринчи бўлиб, вужудга келган бундай қийин шаронтга ҳамшаҳарларимиз мослашишди. Айниқса, қарши ҳужумга ўтишда командамиз ўйинчилари С. Юсупов, А. Чечельницкий, А. Сазанов, Ю. Иванченколар муваффақиятли ҳаракат қилиб, рақиб дарвозасини нишонга олиш имкониятига эга бўлишди. Ўйиннинг 16 минутида ана шундай ҳужумлардан бири муваффақиятли якунланди. М. Ирисбоев олис масофадан тўпни рақиблар дарвозасига қаттиқ зарба билан йўналтирди. ГДР терма командасининг дарвозабони Франк Шульце бу тўпни қайтаришга муваффақ бўлди. Аммо шу заҳоти жарима майдончасига етиб келган майдон эгаларининг ҳужумчиси Юрий Иванченко тўпни эгаллаб олди. Ёш ҳужумчи имкониятни бой бермай дарвозани ишғол этди. Шундай қилиб, учрашувда ҳисоб очилди — 1:0.

Ҳисобни тенглаштириш учун рақибларга бор-йўғи 8 минут кифоя қилди. Бу тўпнинг дарвозага киритилишига Ўзбекистон терма командасининг ҳимоячиси Қувониш Утеулов сабабчи бўлди. У оддий вазиятда тўпни шерингига ошириш ўрнига, уни ўзида узоқ ушлаб қолди. Оқибатда эса тўп рақибнинг ярим ҳимоячиси томонидан эгаллаб олинди ва у тўпни тезлик билан ҳужумчи Штефан Прузега етказиб берди. Ҳужумчи аниқ оширилган тўпни жарима майдончаси четидан қаттиқ зарба билан Ўзбекистон терма командаси дарвозасига йўллаб, ҳисобни тенглаштирди.

Ғалаба учун бўлган асосий кураш иккинчи таймда давом этди. Ўз маҳоратларини, юксак жисмоний тайёргарликларини намойиш этган ҳар икки команда ўйинчилари ғалаба учун кескин кураш олиб боришди. Қизиқарли ва муросасиз беллашув остида ўтган бу ўйинда омад ҳамюртларимизга кулиб боқди. Ҳужумлардан бирида Аркадий Чечельницкий рақиблар дарвозаси олдида қулай имкониятга эга бўлган С. Юсуповга тўпни аниқ етказиб берди. У эса имкониятни қўлдан бой бермади — 2:1.

Шу куни Қибрайдаги стадионда СССР 1 ва Польша терма командалари ҳам биринчи матчни ўтказди. Юқори кўтаринкилик руҳида ўйнаган совет футболчилари йирик ҳисобда (5:0) ғолиб чиқишди. Тўпларни Олег Саленко (учта), Сергей Шенников ва Дмитрий Хамухалар киритишди.

Чехословакия ва Венгрия терма командалари учрашуви дуранг билан якунланди. Украина терма командаси футболчилари эса Болгария командасини 3:0 ҳисобида мағлуб этди.

Э. АВАНЕСОВ,
«Тошкент оқшоми» футбол шарҳловчиси.



Матчдан сўнгги интервью

Хартмут ВОЛЬК,
ГДР терма командасининг катта тренери.

Шуни айтиш керакки, терма командамиз сафида ҳеч қачон ҳозиргидек ёш ўйинчилар кўп бўлмаган эди. Беш ўйинчимиз 15 ёшда, олтитаси эса эндигина 16 ёшга тўлди. Терма командамиз составига биз Берлин, Дрезден, Лейпциг, Эрфурт, Магдебург, Карл-Маркс-штадт, Росток шаҳарлари командаларининг истиқболли ўйинчиларини таклиф қилдик.

Биз турнирда ёш жиҳатдан ҳам, тажрибаси жиҳатдан ҳам анча катта бўлган ўйинчиларга эга бўлган командалар билан баҳслашиш лозимлигини яхши тушунардик. Шу боисдан ҳам биз бунга ўз хоҳишимиз бўйича қадам қўйдик, чунки шундай турнирларда қатнашиб тажриба орттириш, чиниқиш керак. Бу эса ёш футболчилар учун кузда старт оладиган УЕФА турнири олдидан, катта ёшдаги ўсмирлар командалари ўртасида Европа биринчилигининг финал баҳсларига йўлланма олиш учун зона турнирларида қатнашаётган ёш футболчиларга маҳорат кўригидир.

Ёш футболчиларимиз 1:2 ҳисобида Ўзбекистон терма командасига имкониятни бой берган бўлсаларда, аммо ўзларининг яхши томонларини кўрсатдилар. Учрашув ғоятда қизиқарли ўтди. Ўйлайманки, турнир давомида командамиз ўз ўйинини янада яхшилайди.

Ўзбекистон терма команси футболчилари назаримда майдонда жуда аҳиллик билан ўйнашди. Майдон эгаларидан дарвозабон Ф. Шамсутдинов, ҳимоячи Ю. Миракин, ярим ҳимоячи ва ҳужумчилар А. Сазанов, С. Юсупов, Ю. Иванченко, М. Ирисбоев ўзларининг чиройли ўйинлари билан бизда катта таассурот қолдирди. Агар Ўзбекистон терма командаси кейинги учрашувларни ҳам шундай шиддаткорлик билан ўтказса, жуда кўп ютуқларни қўлга киритади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ Ў ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/III III да **Дон Кихот**, 6/III да **Дон Карлос.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ Ў ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/ 5/III да **Курорт**, 6/III да **Куёв.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/III да **То Тошболта ошиқ**, 6/III да **Чароғфоғондир чўлда юлдузлар.**

КИНО

5 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Р:

«МОСКВА УЧУН ЖАНГ»ИГ»— **Санъат саройи** (17, 19.30; 0; телефонлар: 44-21-34, 44-21-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛЛАЛАР» —**Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45).

«ЁВВОЙИ ХМЕЛЬ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларларда, телефон 96-34-02).

«ПОТАПОВ ҲАЁТИДАН»Н»— **Москва** (тоқ соатларда, сўнгўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01), **С. Раҳимов номномли** (жуфт соатларда).

«ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАМАФТУНКОР» —**Восток** (жуфт ўт соатларда, телефон 91-14-64-61), **Искра** (жуфт соатларда, тел телефон 39-14-59), **Тошкент Совет Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОҚОН» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиллиги** (16, 18.30, 21.00).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **Қозоғистон** (жуфт ўт соатларда, телефон 35-24-92).

«У МЕНИ ЁҚТИРАДИ» 1» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«ИЗҚУВАР» — **Нукус** (16, 18.30, 20.45; телефон 46-46-70-69),

«БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ» 3» — **Ватан** (жуфт соатларда, сўнгўнгги сеанс 21.30 да).

«ШАФҚАТСИЗ РОМАНСАНС» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (1 (17, 20.00).

6 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Р:

«МОСКВА УЧУН ЖАНГ»ИГ»— **Санъат саройи** (12, 14.30, D, 17, 19.30; телефонлар: 44-21-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛЛАЛАР» —**Санъат саройи** (10.30, 1 13, 16, 18.30, 20.45).

«ЁВВОЙИ ХМЕЛЬ» —**М-Москва** (тоқ соатларда, сўнгўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-33-05-01).

«ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАМАФТУНКОР»— **Восток** (жуфт ўт соатларда, телефон 91-14-64-61), **Искра** (жуфт соатларда, тел телефон 39-14-59), **Тошкент Совет Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда телефон 78-47-25).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОҚОН» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиллиги** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); **С. Раҳимов номли** (12, 14.30, 17, 20.30).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«У МЕНИ ЁҚТИРАДИ» 1» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«ИЗҚУВАР» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; тел телефон 46-70-69).

«БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ» 3» — **Ватан** (жуфт соатларда, сўнгўнгги сеанс 21.30 да).

«ШАФҚАТСИЗ РОМАНСАНС» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (1 (12, 14, 17, 20.00).

«БИЗ ЖАЗДАНМИЗ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларларда, телефон 96-34-02).

Тошкент шаҳар ижроия қўмитетига қарашли Тошкешкент трамвай-троллейбус бошқармасининг

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус ҳайдовчиларининг тайёрлайдиган курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Ўқиш муддати — 6 ой, ой, ойига 70 сўм стипендия тўланаданади.

Ўқишга қабул қилинганланлар формали кийим-бош (50 процент қийматида) **билан таъминланадилар, трамвай ва троллоллейбуслардан бепул фойдаланаданадилар.**

ЁЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЁТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕҒЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тс Тошкент шаҳри, Чилонзор масмассиви, «Пионер» кўчаси 4-у 4-уй, кадрлар бўлими (4, 9, 11-трв-трамвайлар; 2, 6, 11, 16-троллоллейбуслар; 2, 3, 33, 34, 50, 5, 54, 70, 77, 80-автобусларнирнинг «Пионер» кўчаси» бекати). 1).

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳамда Автомобилларларни эксплуатация қилиш ва кафедраси коллективи кафедрадра катта илмий ходими З. А. Исломовга рафиқаси

Зулфия Умаровна ИСЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабатбати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шуҳрат» мактаб-магазинзини коллективи 2-филиал мудирдири Р. И. Охуновга ўғли

Абдуғаффор ОХУНОВнинг

вафот этганлиги муносабатбати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕКЛАМА

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

23-МАГАЗИНДА
(Волгоград кўчаси, 17-уй).

5-7 МАРТ КУНЛАРИ
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли корхоналарда тайёрланган

КЕРАМИКА
БУЮМЛАРИНИНГ
САВДО-ҚУРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-43-20).

«СОЮЗТОРГРЕКЛ А М А» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«ЭЛЕКТРОНИКА»

ЭЛЕКТРОНИКА — АВТОҲАВАСКОРЛАРГА!
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ
5-6 МАРТ КУНЛАРИ
АВТОТОВАРЛАРНИНГ
САВДО-ҚУРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдо-қўргазмасидан Сиз «ЭЛЕКТРОНИКА» маркали автотоварларни сотиб олишингиз ва улардан фойдаланиш ҳамда автоэлектрониканинг ривожланиш истиқболи ҳақида консультациялар олишингиз мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон: 33-83-12.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли «ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ« трестининг
2-ИХТИСОСЛАШГАН БОШҚАРМАСИГА
электр пайвандчилар, труба ётқизувчи-слесарь, 1-2 класс ҳайдовчилари, йўл қурилиши ишчилари, мастерлар, прораблар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ТАШКИЛОТИГА
қурилиш касбидаги ишчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН АЛОҚА ТАШКИЛОТИГА
почтальонлар, почта алоқаси операторлари, телеграфистлар, телефонистлар, телеграммаларни элтиб берувчилар.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАСИГА
электриклар, слесарлар, станокчилар, инженер, меҳнат ва иш ҳақи бўлими инженери, катта технолог.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА қарашли «ВИСОТСТРОЙ» 11-қурилиш трестининг
69-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
арматурачилар, пайвандловчилар, монтажчилар, бетончилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОН МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ТАШКИЛОТИГА
тикувчи-мотористкалар, дазмолловчилар, тўшовчилар, контролёрлар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА
катта энергетик.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона;
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ —У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ—К. Маркс кўчаси, 59-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ— Қорасарой кўчаси, 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ— Фарҳод кўчаси, 21-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ—«Спутник», 2-квартал, 69-уй;
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

М.ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 МАРТ СОАТ 19.30 ДА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
Катта концерти
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
МАЪМУРА ЭРГАШЕВА
Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати
ҚАҲРАМОН ДАДАЕВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ХАЙРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА, УҒИЛОЙ МУҲАМЕДОВА ва ансамблнинг етакчи солистлари қатнашадилар.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА.
Ансамблнинг музика раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати Бахтиёр АЛИЕВ.
Билетлар сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986-1987 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 8-10-синф ҳажмида маълумотлилар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИ, БОЛАЛАР ВА ЭРКАКЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИКИШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ КОНТРОЛЁРИ. ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ БИЧИҚЧИСИ, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқишни битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотлилар бир йил ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади. Тикувчи ихтисосига эга бўлган ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 6 ой. Уларга ҳам 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирган ўқувчилардан 10 проценти олий ўқув юртлари ва техникумларида ўқиш учун йўлланма оладилар.

Ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашишлари ва санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5«а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 3, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60э, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати). Телефон 33-19-24.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДО ИДОРАСИНИНГ
13-ИХТИСОСЛАШГАН БУКИНИСТИК КИТОБ МАГАЗИНИ
АҲОЛИДАН ҚУЙИДАГИ АДАБИЁТЛАРНИ
СОТИБ ОЛАДИ

КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ, 2-нашр, 51 томлик, 1956 йил.
КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ, 3-нашр, 31 томлик, 1969 йил.
КАТТА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ, 2-нашр 36 томлик, 1956 йил.
КАТТА ЭНЦИКЛОПЕДИЯ— С. Н. Южаков таҳрири остида, 22 томлик, СПБ, «Просвещение», 1900-1909 йиллар.
А. ГРАНАТ. Рус библиография институтининг энциклопедик луғати, А. Гранат, 7-нашр, 74 жилдда, 1909-1940 йиллар.
ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ, 86 ярим томлик ёки 43 томлик. СПБ, Ф. А. Брокгуаз ва А. И. Ефрон, 1900-1907 йиллар.
ЖАҲОН ТАРИХИ, 13 томлик, 1956-1981 йиллар.
УМУМИЙ АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ, 13 жилдда, М.; Қурилиш нашриёти, 1966-1977 йиллар.
УМУМИЙ САНЪАТ ТАРИХИ, 6 томлик, 8 жилдда, М.; Санъат, 1956-1966 йиллар.
ДАЛЬ. Рус тили луғати. Ушаков таҳрири остида. (Исталган нашри).
ҲОЗИРГИ ЗАМОН РУС ТИЛИ ЛУҒАТИ, 17 томлик, СССР ФА нашриёти, 1950-1965 йиллар.

Мамлакатимиз ва чет элларда нашр қилинган инглизча-русча, немисча-русча, французча-русча, испанча-русча, японча-русча, хитойча-русча катта луғатлар.

В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ. Асарлар, 8 томлик, М.; Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, Соцэкгиз, 1956-1959 йиллар.

С. М. СОЛОВЬЕВ. Қадимий даврлар Россия тарихи, 15 томлик, М.; Мисль, Соцэкгиз, 1962-1966 йиллар.

Магазин рус, совет ва чет эл классиклари асарлари тўпламларининг тугал обуна нашрларини сотиб олади.

Радиоэлектроника, машинасозлик, қурилиш ва архитектура, медицина, тасвирий санъат, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид китоблар, мамлакатимизда ва чет элларда нашр қилинган ҳорижий тиллардаги китоблар комиссияга қабул қилинади.

МАГАЗИНДА ҚУЙИДАГИ АСАРЛАР СОТИЛМОҚДА:

К. МАРКС ва Ф. ЭНГЕЛЬС. Асарлар, 35 томлик, М.; Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, 2 нашр, 1955 й.

В. И. ЛЕНИН. Асарлар тўла тўплами, 55 томлик, М.; Давлат сиёсий адабиётлар нашриёти, 1971 й.

Г. В. ПЛЕХАНОВ, Асарлар, 25 томлик, М.; Давлат сиёсий адабиётлар нашриёти, 1923 й.

А. И. ГЕРЦЕН. Асарлар тўла тўплами, 30 томлик, 34 жилдда, М, СССР ФА нашриёти, 1954-1965 йиллар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ, 200 томлик.

Д. БЕДНИЙ. Асарлар тўплами, 5 томлик, М, Бадиий адабиётлар нашриёти, 1953 й.

В. БРЮСОВ. Асарлар тўплами, 7 томлик, Бадиий адабиётлар нашриёти, 1973 й.

РУС ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ. Д. У. Ушаков таҳрири остида, 4 томлик, М, Совет Энциклопедияси, 1934 й.

Магазинда харидор билан магазин ўртасида алмашиладнган жуда кўп бадиий адабиётлар мавжуд.

ХАРИДОРЛАРНИНГ АДАБИЁТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА КИТОБХОНЛАРДАН ОЛДИНДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй (11, 7, 8-трамвайларнинг «Санъат саройи» бекати). Иш вақти — соат 9 дан 18.00 гача. Танаффус — 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

ТВ

ПАЙШАНБА, 6. III

● МТ I
9.00 «ВРЕМЯ».
10.05 «Торпедоносчилар». Бадиий фильм («Ленфильм»).
11.40 «Оталаримиз йўлларидан». МТ ва БР болалар Катта хорининг концерти.
12.15 «Егор Иванич». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).
13.15 Халқ куйлари.
13.30 «КПСС XXVII СЪЕЗДИДА».
13.45 «Шу қудратнинг бир бўлагими?» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Пермь).
14.20 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
14.50 «КПСС XXVII СЪЕЗДИДА».
16.30 «Стадион ҳамма учун».
17.00 В. Ковтун чалади (аккордеон).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан каталар».
18.15 «Дунё воқеалари».
18.30 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. 1/4 финал. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Киев).
20.00 «ВРЕМЯ».
21.00 Саргузашт фильмлар экрани. «Олтинчи». Бадиий фильм
22.25 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.50 Композитор В. Агапкин асарларидан концерт.
19.05 Португалия коммунистлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).
20.00 «ВРЕМЯ».
21.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».
21.15 Ритмик гимнастика.
21.45 СССР халқлари VI қишки спартакиадаси. Чанғи спорти.
22.05 «Оризонт» ансамблининг концерти.
22.20 «Оловни асраб қолганлар». Телевизион бадиий фильм
23.20 СССР халқлари VI қишки спартакиадаси.
23.25 «Дунё воқеалари».

● ЎзТВ I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом кичкинтойлар!». Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 Студент ёшлар учун. «Ижод ва изланиш».
8.30 «АХБОРОТ».

* * *

14.50 Москва. «КПСС XXVII СЪЕЗДИДА».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қуёш акси». Мультфильм.
18.30 «Чорвадор» программаси.
19.00 «АХБОРОТ».
19.30 «Келди очилур чоғинг». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган адабий композиция.
20.00 Москва. «ВРЕМЯ».
21.00 «СЕНИ ШАРАФЛАЙМАН, ВАТАНИМ». Музикали программа.

● ЎзТВ II
9.00 — 16.35 МТ II.
16.35 Кўрсатувлар программаси.
16.40 Ботаника.
17.10 Байрамолди рекламаси.
17.25 География. Иқлим.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 МТ II.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият —32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р— 13629. Б— 2063. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 10